

Чўқон Валихонов уйғур халқи тарихи тадқиқотчиси

**Ахматов Амонкелди – БұхДУ 2 – босқыч
магистранти**

XIX асрда яшаган Марказий Осиё мінтақаси тарихи, этнографияси, антропологияси, тарихшунослиги, манбашунослиги масаллари билан шуғулланған, қисқа умр күрган бўлса – да бой тарихий – илмий меърос қолдирган қозоқ халқининг фарзанди Чўқон Чингиз Валихонов (1835 – 1865 йй) фаолиятини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб ҳисобланади. Ч. Ч. Валихонов фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, у тарихчи, этнограф, топограф, саёҳатчи, маърифатпарвар, Россия империяси армияси бош штаби офицери, разведкачи каби қирралари ҳақидаги таърифлар келтирилади. Аммо унинг Шарқий Туркистонга қилган илмий экспедицияси шарқшуносликнинг алоҳида янги тармоғи уйғуршуносликнинг вужудга келишига туртки бўлди десак хато бўлмайди. Дунё илмий жамоатчилиги уйғурлар, улар яшайдиган ҳудуд, ижтимоий, сиёсий, маданий тарихини айнан Ч. Валихонов маълумотлари орқали биринчи бор танишди.

Асл исми Мұхаммад Ҳанафия бўлган, келиб чиқиши қозоқ хонлари авлодларидан бўлган, қисқа умр кечирган бўлсада, бой илмий меърос қолдира олган Чўқон Чингиз Валихоновнинг ўзи ёзиг қолдирган маълумотларига кўра, уйғурлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар билан Рашидиддиннинг “Жоъме ат - Таворих” ва Мұхаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” каби асарлари ва Профессор И. Н. Берёзиннинг таклифи билан 1852 йилда ёзиг тутатган, ўзининг биринчи илмий иши бўлган “Тўхтамишхон ёрликлари” ни ўрганиш жараёнида танишган[1, 174]¹.

Марказий Осиё мінтақасида Россия ва Англия манфаатлари тўқнашар экан, Россия Марказий Осиёни эгаллаш учун ушбу ҳудуднинг табиати, этнографияси, савдо йўллари, довонлар, қудуқлар, бир сўз билан айтганда ўлкани ҳарбий - топонимик жиҳатдан ўрганишни ўзининг асосий мақсади деб билди. Шу мақсадда ташкил қилинган 1858 йил июнь ойидаги Шарқий Туркистонни ўрганиш борасидаги навбатдаги экспедиция ташкил қилиниб, уни молиялаштириш Ғарбий Сибир губернатори Густав Христианович Гасфорд зиммасига юкланган эди. Г. Х. Гасфорд экспедицияга раҳбар деб, 1855 йилда Еттисув ва Кўқон хонлиги ҳудудларига, 1856 йилда Или водийси ва Ғулжагача саёҳатлар қилган ва белгиланган топшириқларни мувофақият билан бажарган, саёҳатлари давомида тўлиқ ва аниқ ахборотлар берган ва тайёрлаган ҳисботлари илмий қиматга эгалиги билан ажralиб турган ўз адютанти поручик Ч. Ч. Валихоновни муносиб номзод деб топган[2, 96]².

¹Чокан Валиханов и современность: (Сборник материалов Всесоюзной научной конференции, посвященной 150 – летию со дня рождения Ч. Ч. Валиханова). – Алма – Ата: Наука, 1988. – 174.

²Поездка Ч. Ч. Валиханова в Кашгар. Туркестанский сборник. Т – 16. – С. 96.

Экспедиция 1858 йил июнь ойида бошланиб, 1859 йилнинг апрелигача ўн бир ой давом этади. Ушбу экспедиция даврида Ч. Ч. Валихонов уйғур халқи тарихи, маданияти, антропологияси, манбашунослиги, этнографияси, Шарқий Туркистаннинг тарихий географик таснифига оид қимматли маълумотларни тўплади. У уйғур халқининг келиб чиқиши ҳақида фикр билдирганда, уларнинг аждодлари узоқ ўтмишда чиди - динлин – гаогюй – теле – хуэйхэ деб номланган қабилаларга бориб тақалишини таъкидлайди, шу билан бирга, мамлакатни турли даврларда ва турли манбаларда Олтишаҳар, Кичик Бухоро, Татария, Хитой Туркистони деб номлашдан кўра Уйгуристон деб аташни тўғри деб ҳисоблади[1, 172]³. Чўқон Валихоновнинг ушбу фикрлари унинг Шарқий Туркистанга Мусабой Тўхтибой бошчилигидаги карвонга 22 ёшида савдогар Олимбой номи остида қўшилиб Қошғарга боргани, саёҳат кундалиги ва ҳисоботи мазмунини, шунингдек, илмий меъроси сифатида икки бора (1961 – 1972 йилларда биринчи бор, 1984 – 1985 йилларда иккинчи бор) нашр этилган беш томлик тўпламда ҳам киритилган бўлиб, 1858 – 1859 йиллар илмий, ҳарбий – топографик экспедицияси ҳисоботи “О состояние Алтишараа или шести восточных городов китайской провинции Нан – лу (Малой Бухарии) в 1858 – 1859 гг.” Сарловҳаси остида келтирилганлигини қўришимиз мумкин[1,40-41]⁴. Уйғурлар тарихини ўрганаар экан, уларнинг этник келиб чиқиши ва қадимий тарихидан бошлаб ўз давригача бўлган урф – одат, аньана, маданияти, тарихи каби масалаларга ҳам эътибор қаратади. Уйғурлар орасида қадимда Будда, моний ва бошқа диниларнинг, кўплаб маданиятларнинг ўзаро муносабатлари масалаларига тўхталиб, Шарқий Туркистон уйғурлари тили жиҳатидан, этник ва антропологик жиҳатлардан Гарбий Туркистонликларга яқин, уларга ўхшаб кетишларига қарамай, Гарбий Туркистонликларга қараганда мутаассиблашмаганлар деб таъкидлайди эътибор беради. Бунга мисол қилиб эса, уйғур аёлларининг жамиятда мавқеи Гарбий Туркистон аёлларига қараганда анчагина юқори эканлигини таъкидлаб ўтади[1, 176]⁵.

Ч. Ч. Валихонов Қошғарда бўлган кезларда Шарқий Туркистон Хитойнинг Цин империяси мустамлакаси бўлиб, XIX асрнинг биринчи ярмида Шарқий Туркистон халқларининг миллий озодлик курашлари авж олган давр эди. Ч. Ч. Валихоновнинг Қошғарга келишидан бир оз олдинроқ эндигина Валихонтўра қўзғолони бостирилган бўлиб, Қошғар кўчалари ўлдирилган одамлар билан тўла эди деган маълумотларни ёзиб қолдирган эди[2, 120]⁶. XIX асрнинг биринчи ярмида Шарқий Туркистон худудларида миллий озодлик курашлари кучайиб, шу Жаҳонгирхўжа, Муҳаммад Юсуф

³Чокан Валиханов и современность: (Сборник материалов Всесоюзной научной конференции, посвященной 150 – летию со дня рождения Ч. Ч. Валиханова). – Алма – Ата: Наука, 1988. – 172.

⁴Валиханов Ч. Ч. О состоянии Алтишараа или шести восточных городов китайской провинции Нан – лу (Малой Бухарии) в 1858 – 1859 гг.”// собр. Соч.: в 3 т. Алма – Ата. 1962. Т. 2. – С. 40 – 41.

⁵Чокан Валиханов и современность: (Сборник материалов Всесоюзной научной конференции, посвященной 150 – летию со дня рождения Ч. Ч. Валиханова). – Алма – Ата: Наука, 1988. – 176.

⁶Поездка Ч. Ч. Валиханова в Кашгар. Туркестанский сборник. Т – 16. – С. 96- 120.

хўжа, Еттихўжа, Валихонтўра кабилар бошчилигига Хитой Цин империяси зулмига қарши қурашлар бўлиб ўтган ва ушбу озодлик ҳаракатларида қатнашган, ёки унинг гувоҳи бўлғанларнинг ҳали хаёт бўлғанлиги, улар билан шахсий сұхбатлар уюштира олиши сабабли Ч. Валихоновнинг изланишларида Шарқий Туркистон ёки уйғур халқи тарихини айнан шу даврига асосий урғу берганинг гувоҳи бўлиш мумкин. Аммо экспидициянинг асосий мақсади ҳарбий – топонимик хариталар тузиш эканлиги сабабли, бу мавзудаги маълумотлар анчагина салмоққа эга. Экспидиция Шарқий туркистонга борадиган йўллар, тоғ довонлари, улардан ўтиш вақти, тоғ сўқмоқлари, чўққилар, довонлардан ўтиш вақтида ҳаво етишмаслиги касаллиги ва уни енгиш усуслари, совук, қор кўчкиласидан сақланиш, йўлларнинг умумий таснифи ҳақидаги фикрларни унинг ўлимидан сўнг нашр этилган ва “Поездка Ч. Ч. Валиханова в Кашгар” сарлавҳаси остида “Туркистон тўплами” га ҳам киритилган^[2,120]⁷.

Шарқий Туркистон аҳолиси маънавий, психологик ҳолатини ўрганиш учун энг аввало халқнинг этнографиясини ўрганиш зарурлигини Ч. Валихонов яхши англаган эди. Шунинг учун унинг тадқиқотларида этнографик маълумотлар ҳам анчагина салмоқни ташкил этади. Уйғур халқи ҳақидаги этнографик маълумотларида Ч. Валихонов уйғурлар этнографиясига оид умумий маълумотларни ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, майда этник гурухларни ҳам таҳлил қила олди. Жумладан, уйғурлар таркибидаги долонлар деб номланувчи этник гурух борлиги, улар Оқсув, Ёркент, Қошғар ҳудудида яшashi, Оқсув ва Ёркент долонлари Қошғардарё ва Ёркентдарё ҳавзаларида яшashi, Барчук ва Маралбоши каби йирик қишлоқларида хитой ҳарбий аскарлари туриши, Қошғар долонлари эса, асосан Қўрла ва Буғурда яшаганлиги, долонлар Қошғар хўжаларининг тобелигига ва уларга доимий садоқатда бўлиб, долон аёллари қирғиз ва бурут (хитой ва ойратларга нисбатан Шарқий Туркистон халқлари ишлатган атама) аёлларига ўхшаб бош кийим кийиши билан боғлиқ маълумотларни келтирган^[3,334]⁸.

Чўқон Валихонов XIX асрнинг биринчи ярмидаги уйғурларнинг тарихи ҳақида қимматли маълумотлар тўплаган ва уларнинг тарихий ҳақиқатга мослигини имкон қадар аниқлашга ҳаракат қилган. Бу йўналишда воқеаларнинг жонли гувоҳлари билан, оддий халқ, ўша давр амалдорлари, карвонбошилар, савдогарлар билан сұхбатлар қилган. Унинг маълумот беришича, Шарқий Туркистонда уйғурлар айниқса Жаҳонгирхўжа қўзғолони мағлубиятга учрагач (1827 й), Фарғона водийси шаҳар, қишлоқларига қочиб ўта бошлаганлар. Ушбу қочиб ўтиш хитойликларнинг қўзғолончилардан ўч олишнинг натижаси бўлиб, Фарғона водийсидаги Қошғар қишлоқ, уйғур қишлоқ каби жой номлари шу тариқа вужудга келиши билан боғлиқ маълумотларни келтиради. Биргина 1826 – 1827; 1830 йиллар мобайнида

⁷Поездка Ч. Ч. Валиханова в Кашгар. Туркестанский сборник. Т – 16. – С. 96- 120.

⁸Материалы по истории Средней и Центральной Азии X – XIXвв. Т.: Фан. 1988. – С. 334.

Қўқонликлар билан бирга 70 минг уйғур Қўқонга қочади дея маълумот берган Ч. Валихонов уларни Сирдарё бўйида Хўжанд яқинидаги Даљвас қишлоғи ва Тошкент яқинидаги Қошғар маҳаллага жойлаштирилганлиги, бу маҳаллада қошғарликларнинг кўплаб жойлашганлиги туфайли жой номи ўзгартирилиб, Янги шаҳар деб номланганлиги ҳақидаги маълумотларни беради[3,334]⁹.

Хитой таъқибидан қочиб ўтган уйғурлар сонини XIX асрнинг 50 – йилларида ҳам кўплигини таъкидлаб, бу даврда қочоқлар сони 15 минг кишини ташкил қиласланлигини, уйғурларнинг долонлар деб номланувчи этник групҳи ҳозирги Андижон вилоятининг Шахрихон ва Қорасув оралиғидаги ерларга жойлаштирилганлиги ва уларнинг умумий сони тўқиз минг кишини ташкил этганлиги ҳақидаги маълумотларни келтиради[1,177]¹⁰. Кейинчалик ушбу маълумотларнинг ўша давр Шарқий Туркистон ва Хитой манбалари асосида текшириб кўрилганда тасдиқланиши, Ч. Валихоновнинг ўта синчков, қизиқувчан, воқеа – ҳодисаларни чуқур таҳrir қилишидан далолат беради. У ўз маълумотларини ишончли ёки ишончсизлигини текшириб кўриб сўнгра баён қиласланлигининг гувоҳи бўламиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Чўқон Валихоновнинг уйғур халқи тарихи, ёки Шарқий Туркистондаги 1858 – 1859 йиллардаги экспедицияси материаллари мазмуни – моҳиятини биргина мақола орқали очиб бериш мушқул. Ч. Валихонов миллий ва этник жиҳатдан ўзига хос бўлган уйғур халқи, унинг урф – одот, аньаналарини илк бора ўрганиб, уйғур маданияти ёдгорликларини илмий жамоатчиликка танитган, қўшни халқлар ва миллатлар билан алоқалари тарихини ўрганган биринчи уйғуршунос олим бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар

- 1.Чокан Валиханов и современность: (Сборник материалов Всесоюзной научной конференции, посвященной 150 – летию со дня рождения Ч. Ч. Валиханова). – Алма – Ата: Наука, 1988. – 320 с
- 2.Поездка Ч. Ч. Валиханова в Кашгар. Туркестанский сборник. Т – 16.
3. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X – XIXвв. Т.: Фан. 1988. – С 416

⁹Материалы по истории Средней и Центральной Азии X – XIXвв. Т.: Фан. 1988. – С. 334.

¹⁰Чокан Валиханов и современность: (Сборник материалов Всесоюзной научной конференции, посвященной 150 – летию со дня рождения Ч. Ч. Валиханова). – Алма – Ата: Наука, 1988. – 177.